

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
19 июнь,
жума
№ 23
(1109)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНING ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли учрашув иштирокчилари!
Хурматли Одиль Рено-Бассо хоним!

Қадрли дўстлар!
Сизларни Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб турганимдан хурсандман.

Аввало, ҳурматли Рено-Бассо хоним, ислохотларимизни доимий қўллаб-қувватлаб келаётганингиз ва Кенгаш фаолиятидаги самарали раислигингиз учун сизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, бугунги анжуманда қатнашаётган барча халқаро ташкилотлар ва хорижий компаниялар раҳбарларига самимий эҳтиромимни изҳор этаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!
Сўнгги йилларда Кенгаш оддий маслаҳат механизмидан амалий ислохотлар майдонига, Янги Ўзбекистон билан жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприкка айланган. Бугун Кенгаш мустақил Ассоциация мақомига эга бўлиб, том маънода кучли институт даражасига кўтарилди. Ўтган бир йил давомида Кенгашда иштирок этаётган компаниялар сони 54 тадан 85 тага етди. Улар иқтисодиётимизнинг 23 та тармоғини қамраб олиб, ишчи гуруҳлар фаолиятида

бевосита иштирок этмоқда. Бундан ташқари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Халқаро молия корпорацияси Кенгашининг Ижроия қўмитаси таркибида фаолият юритмоқда.

Этиборли томони, барча аъзоларимизнинг Кенгашдаги фаоллиги тобора ошмоқда. Бу – мазкур инвестиция платформасига бўлган юксак ишончнинг яққол далилидир.

Хурматли кенгаш иштирокчилари!
Сизлар билан ўтган йили ҳам учрашиб, кўп масалаларни гаплашиб олган эдик. Аввалги мажлисда илгари сурилган 21 та ташаббусга аниқ ечимлар берилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман, инвесторларнинг ташаббуслари давлат сиёсатида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Таклифларнинг салмоқли қисми асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштирдик. Жумладан: Солиқ кодексига инвесторлар учун қулай бўлган ўзгаришлар киритилди; компаниялар ўртасидаги ички қарз битимлари молия назоратидан чиқарилди; асосий воситаларни тезлаштирилган тартибда амортизация қилиш ҳуқуқи берилди; халқаро стандартлар асосида ҳисобот юритувчи

хорижий ширкатлар учун кўплаб мажбурий талаблар бекор қилинди.

Бундан ташқари, “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Масъулиятли бизнес юритиш стандартларини жорий этиш ҳамда 16 та техник регламентни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш дастури тайёрланди.

Шу билан бирга, хорижий инвесторларга тенг ва адолатли шароит яратиш бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммамизга олишда янги қадамлар ташладик. Яқинда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро инвестициялар ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларациясига қўшилишимизни эълон қилдик. Ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги Конституциявий қонун қабул қилиниши қутилмоқда.

Буларнинг барчаси – ғояларингиз амалиётда татбиқ этилаётганига ёрқин далилдор.

Хурматли Кенгаш иштирокчилари!
Ўтган даврда Кенгаш ҳузуридаги ишчи гуруҳлар томонидан инвесторлар учун 50 дан ортиқ фойдали йиғилишлар ўтказилди. Натижада

муқобил инвестиция жамғармалари, гаров қонунчилиги, масъулиятли бизнес юритиш, профессионал кадрлар тайёрлаш, солиқ маъмурчилиги, ер ажратиш ва энергетика каби устувор йўналишлар бўйича муаммолар хорижий инвесторлар ҳамраислигида атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги мажлисга тайёргарлик жараёнида сизлардан 120 та янги таклиф ва ташаббус келиб тушди. Уларнинг барчасини батафсил таҳлил қилиб, еттита устувор йўналишга бирлаштирдик. Булар: инвестиция муҳитини яхшилаш, солиқ тизими, кадастр, энергетика, молия ва банк тизими, корпоратив бошқарув, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт масалаларидир.

Айниқса, валюта айланмасидаги мониторинг жараёнларини енгиллаштириш; исломий суғурта, “яшил” кредит, банкларнинг муаммоли активлари савдосини йўлга қўйиш каби янги молиявий механизмларни жорий қилиш; корхоналарда атроф-муҳит, ижтимоий масъулият ва самарали бошқарувни ўз ичига олган ESG тамойиллари қўлланишини рағбатлантириш каби таклифлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

(Давоми 2-бетда) ►

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 июнь куни Халқаро конгресс марказида Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, етакчи хорижий компаниялар, банклар ва молиявий институтлар раҳбарлари ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларидаги инвесторлар кенгашларининг аъзолари бўлган нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Президент ҳузуридаги кенгаш амалий ислохотлар майдонига айланиб, мамлакатимиз ва жаҳон инвестиция ҳамжамияти ўртасидаги ишончли кўприк сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаганини таъкидлади.

Кенгаш мустақил Ассоциация мақомини олиб, мамлакат иқтисодиётининг 23 та тармоғида фаолият юритувчи 85 та компанияни бирлаштирди. Ижроия қўмитаси таркибига Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси қиради. Норматив-ҳуқуқий база изчил такомиллаштирилгани ҳамкорликнинг муҳим амалий натижаларидан бири бўлди.

Кенгаш аъзоларининг таклифларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгаришлар киритилди, молиявий тартибга солиш ва ҳисоб юртишнинг айрим тартиб-таомиллари соддалаштирилди, халқаро молиявий ҳисобот стандартларини қўллайдиган хорижий компаниялар учун бир қатор мажбурий талаблар бекор қилинди.

Шу билан бирга, миллий қонунчиликни халқаро амалиётга янада яқинлаштириш бўйича ишлар давом этмоқда.

“Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди, Масъулиятли бизнес юритиш стандартларини жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди, техник регламентларни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) Халқаро инвестициялар ва кўп миллатли корхоналар тўғрисидаги декларациясига қўшилиш жараёни бошлади.

(Давоми 2-бетда) ►

Муносабат

Суд тизимида комплаенс:

одоб-ахлоқ ва ҳалолликнинг ҳуқуқий кафолатлари

Суд залига кирган ҳар бир инсон, аввало, манфати, ҳуқуқи тикланиши ёки тақдири ҳал бўлишини қутади. Шу пайтда у нафақат судьяга, балки бутун бир тизимга ишонади.

Ана шу ишонч — ҳуқуқий давлатнинг энг нозик, лекин энг муҳим устуни. Уни сақлаб қолиш учун фақат адолатли ҳукм чиқариш кифоя қилмайди. Бунда суд муассасаси-

нинг ҳар бир ходими, ҳар бир жараёни ва ҳар бир қарори ҳам шу ишонч тасдиғи учун хизмат қилиши шарт.

(Давоми 3-бетда) ►



ЯНГИ ҚОНУН:

КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ МУҚАРРАРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Сўнгги йилларда юртимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамиятда бу иллатга нисбатан мутлақо мурокасиз муҳитни қарор топтириш йўлида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, давлат бошқаруви устидан тизимли ва самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун барча шароитлар яратилиб, коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш механизмлари жорий қилинди.




Абдулҳаким ЭШМУРАДОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси раиси

2025 йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида ўтказилган Коррупцияга қарши ку-

рашиш миллий кенгаши йиғилишида бу борадаги устувор вазифалар белгиланди.


(Давоми 3-бетда) ►



Файзулла Мамараимовнинг уйида қутилмаганда электр энергияси узлиб қолди. Қўни-қўшилларда эса, электр токи бор эди. У қарасаки, электр ҳисоблагич ишламаётган экан.

Шарҳ

Адвокатнинг юридик хизмат ходими сифатидаги фаолиятига оид норманиннг конституциявийлиги: КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ҚАРОРИ ТАҲЛИЛИ



2026 йил 12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди муҳим конституциявий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган иш юзасидан қарор қабул қилди. Мазкур қарор билан «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси учинчи қисми бешинчи хатбошиси Конституциямизнинг 29, 65 ва 141-моддаларига мувофиқ деб топилди.

Ишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда адвокатларнинг давлат органлари муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида шартномавий-ҳуқуқий асосда фаолият юритишига рухсат берилиши, аммо хусусий сектор субъектлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида фаолият юритиши назарда тутилмаганлиги Конституцияга мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳоланди.

Қарор нафақат адвокатура институтининг ҳуқуқий табиатини, балки малакали юридик ёрдам ҳуқуқи, мулк шаклларининг тенглиги ва давлат хизмати тушунчасининг мазмунини

ҳам аниқлаштириб берди.

МУРОЖААТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Масаланиннг Конституциявий судда муҳокама қилинишига «FORCE OF JUSTICE» адвокатлик бюроси директори Ш.А.Ваҳобовнинг мурожаати асос бўлди. Унинг фикрича, қонун давлат ташкилотлари учун белгиланган имкониятни хусусий сектор субъектларига бермагани сабабли хусусий мулкка асосланган ташкилотлар адвокатларни доимий ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун жалб қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонун кўмағи

Аниқлаштирилмаган ХАТОЛИК

судда қонуний ечимини топди

Унинг чақирувига асосан келган электр таъминоти ходимлари электр тоқининг узилишига дарҳол “ташхис” қўйиши: электр ҳисоблагичнинг пастки қолқоқ қисми очилган. Шу сабабли автоматик тарзда блокланган ва электр токи узилиб қолган.

Шундан сўнг энергия сотиш корхонаси муҳандиси Ш.Холмуҳаммедов (исм-шарифлар ўзгартрилган) электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган-

лик ҳолати юзасидан Ф.Мамарайимовга нисбатан далолатнома расмийлаштиради. Ўтган йилнинг 3 декабрь куни расмийлаштирилган ҳужжатлар дастлабки суриштирув органи томонидан кўриб чиқилиб, Ф.Мамарайимовнинг ҳаракатлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси 1-қисм билан малакаланади ва судга ўтказилади.

(Давоми 2-бетда) ►



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Умида, бувим оламдан ўтганларидан кейин ўша сандиқни бизникига олиб келишди. Бувим менга қолдириб кетдилар. Ошхонамизнинг олдида турган қизил тахта сандиқ Дўсимбой бувамиз болаларга атаб битта

бўлагиди чақмоқ қанд, битта бўлагиди танга пул, битта бўлагиди қуруқ мева сақлаган ўша сандиқ бўлади. Тураверсин, у — бувиларимиз, боболаримизнинг ўз даврида анча тўқ, аҳил, тотув, бир-бирларини ҳурмат қилиб яшаганларидан нишона.

(Давоми 4-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу боис, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар белгиланиб, аниқ ечимлар ишлаб чиқилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу долзарб вазифани ўз зиммасига олган ишчи гуруҳлар ҳамраислари: “Vision Invest”, “BDO”, “Crowe”, “OTP Group”, “Franklin Templeton”, “Ernst & Young”, “Kosta Legal” ва “ACWA Power” компаниялари раҳбар-ларига миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, йил давомида самарали фаоллик кўрсатиб, муҳим хужжатлар ва пухта ташаббуслар тайёрлагани учун Кен-гашнинг барча аъзоларига алоҳида ташақкур айтаман.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Энди бевосита мулоқотга ўтсак.

Йил давомидаги таҳлилларингиз асосида қандай муаммо-ларни аниқлагингиз? Инвестиция муҳитини янада яхшилаш учун Ҳукумат нима ишлар қилиши керак?

Бугун ушбу залда Ҳукумат аъзолари – Бош вазир ўринбо-сарлари ва вазирлар иштирок этмоқда. Сизларни диққат билан тинглашга, ҳар бир муаммо ва тавсияни батафсил муҳокама қи-лишга тайёرمىз. Ишимизни янада самарали ташкил этиш бўйи-ча таклифларингиз бўлса, уларни очиқ мулоқот руҳида кўриб чиқамиз.

Албатта, бугун кўтариладиган барча масалалар умумлашти-рилиб, мажлисимиз якунлари бўйича ягона “йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Бош вазир ўринбосари Ж.Хўжаев ва Инвес-тициялар, саноат ва савдо вазири Л.Қудратов ҳар чорақда уларнинг ижроси бўйича менга шахсан ҳисобот бериб боради.

Энди фикр ва мулоҳазаларингизни эшитамиз.

* * *

Хурматли дўстлар!

Бугунги мулоқотимиз ғоят мазмунли ва фойдали бўлди. Ай-ниқса, амалий натижага йўналтирилган таклифларингиздан жуда хурсанд бўлдим.

Чин ҳамкорларимизнинг барча ташаббуслари халқимиз форо-вонлиги ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Янги Ўзбекистонда очиқ, барқарор ва рақобатбардош иқтисодиётни барпо этишга қўшаётган ҳиссангиз биз учун доим кадрли.

Бу каби мулоқотларимиз қанча кўп бўлса, ишимиз шунча ол-динга кетади. Барчангизга Кенгашимизда иштирок этганингиз учун самимий раҳмат айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга мустаҳкам соғлиқ, про-ффессионал фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда улкан муваф-фақиятлар тилайман.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙўНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Кейинги қадам сифатида Тошкент халқаро молия мар-кази тўғрисидаги Конститу-циявий қонунни қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Кенгашнинг соҳавий ишчи гуруҳлари фаолияти тизим-ли тус олди. Ўтган давр мо-байнида молия бозорини ривожлантириш, гаров қонун-чилигини такомиллаштириш, масъулиятли бизнес юритиш, солиқ маъмуричилиги, энерге-тика, ердан фойдаланишни бошқариш, профессионал кадрларни тайёрлаш ҳамда давлат ва инвесторлар учун ўзаро манфаатли бўлган бош-қа йўналишлар бўйича 50 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

Мазкур мажлисга тайёргар-лик жараёнида хорижий ҳам-корларнинг янги ташаббуслар тўплами шакллантирилди.

Келиб тушган 120 та янги таклиф инвестиция муҳитини яхшилаш, солиқ ва кадастр тизимлари, банк-молия соҳа-си, корпоратив бошқарув, энергетика, шунингдек, сунъ-ий интеллект ва рақамли иқти-содиётни ривожлантиришни қамраб олган еттига устувор йўналишга бирлаштирилди.

Валюта айланмасидаги мониторинг жараёнлари-ни янада энгиллаштириш, исломий сугурта ва “яшил” кредитлаш каби замона-вий молиявий воситаларни жорий этиш, банк активла-ри бозорини йўлга қўйиш ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув та-моийлларини кенг қўллаш-ни рағбатлантириш бўйича таклифларга алоҳида эъти-бор қаратилди.

Ҳар бир йўналиш бўйича

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шу муносабат билан, ушбу норма Конституциямизнинг: ҳар кимнинг малакали юри-дик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатловчи 29-моддаси-га; мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини белгилайди-ган 65-моддасига; адвокату-ранинг жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш вазифасини назарда тутувчи 141-модда-сига мувофиқ эмаслиги ҳақи-да масала қўйилди.

Ушбу мурожаат асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўз-бекистон Республикаси Мил-лий маркази Конституциявий судга расмий мурожаат ки-ритди.

конституциявий суд олдида турган асосий ҳуқуқий масала

Конституциявий суд бир қа-рашда, содда кўринган, аммо ҳуқуқий жиҳатдан мураккаб бўлган қуйидаги саволга жа-воб бериши лозим эди:

Адвокатларга давлат таш-килотларининг юридик хизма-ти ходими сифатида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи, аммо хусусий ташкилотлар ҳақида сукут сақлаган норма хусусий сектор субъектлари-нинг ҳуқуқларини чеклайди-ми?

Бу саволга жавоб бериш учун суд, аввало, баҳс мар-казидаги норманинг ҳақиқий ҳуқуқий мазмунини аниқлади.

Суднинг биринчи ҳуқуқий позицияси: норма юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини чек-ламайди.

Конституциявий суднинг асосий хулосаларидан бири шундан иборатки, қонуннинг мазкур нормаси адвокатнинг давлат ташкилотларида юри-дик хизмат ходими сифатида шартномавий-ҳуқуқий асосда фаолият юритиши мумкин бўлган истисно ҳолатни бел-гилайди, холос. Бу норма ад-вокатнинг бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини чек-ламайди.

Конституциявий суд «**Ад-вокатура тўғрисида**»ги қо-нуннинг 1,5,6,9¹-моддалари нормаларини тизимли таҳлил қилиб, адвокатлар ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар билан юридик ёрдам кўрса-тиш тўғрисида шартнома ту-зиши мумкинлигини таъкид-лади.

Шу сабабли, хусусий ком-паниялар, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат-но-тижорат ташкилотлари ад-вокатлар хизматидан фой-даланиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган.

Суднинг фикрича, баҳсла-шилаётган норма хусусий

субъектларнинг адвокат би-лан шартнома тузиш ҳуқуқига тўқсинлик қилмайди ва шу-нинг учун Конституциямиз-нинг 29-моддасида назарда тутилган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини чекла-майди.

Иккинчи ҳуқуқий пози-ция: мулк шаклларининг тенг-лиги ҳуқуқларнинг тенг ҳимоя қилинишини англатади.

Ишнинг асосий жиҳатлари-дан бири Конституциямизнинг

Шарҳ

Адвокатнинг юридик хизмат ходими сифатидаги фаолиятига оид норманинг конституциявийлиги: конституциявий суд қарори таҳлили

65-моддасида мустаҳкамлан-ган барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши принципининг мазмуни би-лан боғлиқ бўлди. Мурожаат муаллифи давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматида адвокатлар шарт-номавий-ҳуқуқий асосда фа-олият юритиши мумкинлиги, хусусий сектор субъектлари учун эса, бундай имконият на-зарда тутилмаганлиги сабаб-ли конституциявий принципга зид деб баҳолаган.

Конституциявий суд маз-кур масалани Конституцияга мувофиқчилигини аниқлашти-риш сўралаётган норма маз-муни ҳамда «**Адвокатура тўғрисида**»ги қонуннинг бош-қа нормалари билан узвий боғлиқликда таҳлил қилди. Суднинг қайд этишича, маз-кур норма хусусий мулкка асосланган юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат-нотижорат таш-килотларининг адвокатлар билан юридик ёрдам кўр-сатиш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқини чекламайди ҳамда уларни адвокатлар-нинг ҳуқуқий хизматларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Шу муносабат билан Конституциявий суд, уш-бу норма хусусий мулк субъектларини давлат ташки-лотларига нисбатан тенг бўл-маган ҳуқуқий ҳолатга қўй-майди, деган хулосага келди. Натижада Конституцияга му-вофиқлигини аниқлаштириш сўралаётган норма Консти-туциянинг барча мулк шакл-ларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қли-ниши кафолатланган 65-мод-даси талабларига зид эмас деб топилди.

Учинчи ҳуқуқий позиция:

давлат хизмати ва шартно-мавий фаолият ўртасидаги фарқ.

Иш муҳокамасида яна бир муҳим масала — адвокатнинг давлат хизматида бўлишига оид таққининг мазмуни бўлди. «**Адвокатура тўғрисида**»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас. Шу му-носабат билан савол туғилди: давлат ташкилотининг юри-дик хизмати ходими сифати-

да фаолият юритиш давлат хизмати ҳисобланмайдими? Конституциявий суд бу ма-салага аниқ жавоб берди.

Судга кўра, баҳс қилинаёт-ган норма меҳнат шартно-масига эмас, балки фуқаро-ва ташкилотларининг юридик асосланган муносабатларни назарда тутади. Бундай му-носабатларда адвокат таш-килот ходими мақомини ол-майди, ички меҳнат тартибига бўйсунмайди ва ўз мустақил ҳуқуқий мақомини сақлаб қо-лади. Шу сабабли, бу ҳолат давлат хизмати ҳисоблан-майди ва қонундаги тақиқни четлаб ўтиш сифатида баҳо-ланиши мумкин эмас.

Мазкур ҳуқуқий позиция келгусида давлат хизмати ва мустақил юридик хизмат кўр-сатиш ўртасидаги чегаралар-ни белгилашда муҳим аҳами-ят касб этади.

ИЛМИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУҲОКАМА

Ишни кўриб чиқиш жара-ёнида Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий маслаҳат кенгаши аъзолари томонидан ҳам турли нуқтаи назарлар билдирилди. Хусусан, юри-дик адабиётлар ва халқаро тажриба таҳлили асосида давлат ва хусусий сектор учун турлича ҳуқуқий режим-нинг конституциявий асосла-ри, адвокатлик мустақиллиги ва малакали юридик ёрдам ҳуқуқининг мазмуни атрофли-ча муҳокама қилинди.

Шунингдек, давлат орган-лари, хўжалик бошқаруви ор-ганлари, давлат муассасала-ри ва ташкилотларидан юридик хизматни ташкил этиш қонун-чилик билан мажбурий тарзда назарда тутилгани ҳамда бу уларнинг оммавий-ҳуқуқий вазифалари билан боғлиқ эканлиги қайд этилди. Тад-

биркорлик субъектлари ва нодавлат-нотижорат ташки-лотлари эса, ҳуқуқий мақоми ҳамда фаолият хусусиятла-рига кўра, бошқача ҳуқуқий режимга эга бўлиб, улар учун бундай талаб белгиланмаган. Шу муносабат билан, Конс-титуциямизга мувофиқлиги аниқланаётган норма давлат ва хусусий мулк субъектла-рининг ҳуқуқий мақоми ва фаолият хусусиятларидаги объектив фарқлардан келиб

чиққан ҳолда белгилангани, шу боис уни Конституциямиз-нинг 65-моддаси талабларига зид деб баҳолаш учун етар-ли ҳуқуқий асослар мавжуд эмаслиги таъкидланди.

Илмий фикрларда Герма-ния, Франция, Англия ва Уэлс ҳамда АҚШ каби мамлакат-ларда корпоратив адвокат-лар институти мавжудлиги ва адвокат мустақиллиги мутлақ тақиқлар эмас, балки касбий этика, манфаатлар тўқнашу-вини бартараф этиш меха-низмлари орқали таъминла-ниши қайд этилган.

Бироқ Конституциявий суд мазкур иш доирасида корпоратив адвокатура инс-титутини жорий этиш ёки жорий этмаслик масаласини эмас, балки амалдаги норма Конституцияга зид ёки зид эмаслигини баҳолаш билан чекланди.

ҚАРОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Мазкур қарор бир не-ча муҳим конституция-вий-ҳуқуқий позицияларни шакллантирди.

***Биринчидан**,* Конституция-вий суд Конституциямизнинг 141-моддасида назарда ту-тилган адвокатуранинг вази-фасини жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдан иборат деб талқин қилди. Суднинг қайд этишича, адвокатура ушбу конституциявий вази-фани адвокатлар томони-дан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида амалга оширади ва Конституцияга мувофиқлиги аниқланаётган норма ушбу вазифанинг рўёбга чиқарили-шига тўқсинлик қилмайди.

***Иккинчидан**,* Конституци-ямизнинг 29-моддасида кафо-латланган малакали юридик

ёрдам олиш ҳуқуқи адвокат билан юридик ёрдам кўрса-тиш тўғрисида шартнома ту-зиш орқали таъминланади ва у адвокатнинг муайян ташки-лот ходими мақомига эга бў-лиши билан боғлиқ эмас.

***Учинчидан**,* Конституция-вий суд Конституциямизга мувофиқлиги аниқланаётган норма хусусий мулкка асо-сланган юридик шахслар, тад-биркорлик субъектлари ва нодавлат-нотижорат ташки-лотларининг адвокатлар би-лан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ҳамда уларнинг хизматлари-дан фойдаланиш ҳуқуқини чекламаслигини қайд этди. Шу сабабли, ушбу норма Конституциянинг барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқли-лиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳи-моя қилиниши кафолатланган 65-моддаси талабларига зид эмас, деган хулосага келди.

***Тўртинчидан**,* давлат ор-ганлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат муасса-салари ва ташкилотларининг юридик хизматида шартнома-вий-ҳуқуқий асосда фаолият юритиш меҳнат муносабат-лари эмас, балки фуқаро-лик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга оширила-ди. Шунинг учун бундай фа-олият давлат хизмати ҳисоб-ланмайди ва адвокатнинг мустақил ҳуқуқий мақомига путур етказмайди.

***Бешинчидан**,* Конститу-циявий суд ушбу норма ҳу-қуқларни чекловчи хусусиятга эга эмаслиги ва адвокатура-нинг конституциявий вази-фаларини амалга оширишга тўқсинлик қилмаслиги ҳақи-даги ҳуқуқий позицияни шакл-лантирди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциявий суднинг уш-бу қарори адвокатура инс-титутининг ҳуқуқий мақоми-ни, малакали юридик ёрдам ҳуқуқининг мазмуни ва мулк шаклларининг тенглиги принципининг конституция-вий мазмунини аниқлашти-риш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Суд ҳуқуқий нормани унинг ҳақиқий мазмуни ва қонун-чилик тизимидаги ўрнидан келиб чиққан ҳолда баҳолаб, формал эмас, балки тизимли конституциявий талқин усу-лини қўллади.

Шу тариқа, Конституциявий суд «**Адвокатура тўғриси-да**»ги қонуннинг 3-моддаси учинчи қисми бешинчи хат-бошиси Ўзбекистон Респу-бликаси Конституциясининг 29, 65 ва 141-моддаларига мувофиқ эканлигини эъти-роф этди ва бу борада муҳим конституциявий-ҳуқуқий пози-циyani шакллантирди.

Қонун қўмағи

Аниқлаштирилмаган

ти у ўрнатилган пайтда электр таъ-

миноти ходими томонидан плонба-ланмаган. Ҳатто корхона ходимлари далолатнома расмийлаштирилари-дан сўнг ҳам, пастки қопқоқни ушлаб турувчи винтни пломбалаб қўймаган.

Энергия сотиш корхонаси муҳан-диси, гувоҳ Ш.Холмуҳаммедов электр таъминоти корхонаси ходим-лари чақирувга асосан хонадонга келганида, электр ҳисоблагичга ташқаридан таъсир кўрсатилгани — синдирилган, ёқиб юборилган, кўр-саткичларни ўзгартириш мақсади-да уларга аралашishi ҳолатлари аниқланмаганини судда тан олди.

Агар Ф.Мамараимов томонидан тегишли қоидалар талабларига зид равишда пломба бузилган ёки ҳисоблагичдан ташқари уланishi бўл-ганида, албатта, истеъмолчи жавоб-гар ҳисобланарди. Бу эса, ўз навба-тида, уни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўларди.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича “Энергосавдо” филиа-ли Самарқанд бўлинмаси Қўшрабат

тумани бўлими 2026 йил 5 февраль

куни судга маълумотнома тақдим этди. Унда “АСКУЕ” тизимига мос маиший истеъмолчилар учун мўл-жалланган электр ҳисоблагичлар-нинг клинма қопқоғи пломба вазифа-сини бажариши, электр таъминоти томонидан ушбу турдаги ҳисобла-гичларга пломба қўйилмаслиги маъ-лум қилинган.

Бироқ ушбу маълумотнома Вазир-лар Маҳкамасининг 2024 йил 31 май-даги “**Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**”ги қарори билан тасдиқланган “**Электр энер-гиясидан фойдаланиш қоидала-ри**”нинг 16-банди талабларига тўғри келмайди. Чунки мазкур Қоидаларда электр таъминоти шартномаси асо-сида электр энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юри-дик шахс истеъмолчиларга ўрнатил-ган ҳисоблагичларни белгиланган тартибда алмаштириш, ўрнатиш ва уларни пломбалашга мажбур экан-лиги белгилаб қўйилган.

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, 2025 йил 26 декабрда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупцияга давлат тараққийоти-га тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган жиддий таҳдид эканлиги қайд этилиб, 2026 йилда ушбу иллатга қарши курашиш бўйича “фавкулдда ҳолат” эълон қилинди.

Шунга қарамай, айрим соҳаларда коррупция даражаси ҳамон юқорилигича қолаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишни талаб этмоқда. Бу эса, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш за-рурлигини кўрсатмоқда.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи яп-ли мажлисида “Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупция-га қарши курашиш сама-радорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноят-лар учун жавобгарлик му-қаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўз-гартiriшлар киритиш тўғ-рисида”ги қонун сенаторлар томонидан маъқуллангани муҳим аҳамиятга эга. Айни қо-нун мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар-нинг ҳуқуқ ва эркинликларини жинорий таъжовузлардан ишон-чли ҳимоя қилиш ҳамда дав-лат бошқаруви ва иқтисодий соҳада қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги страте-гик аҳамиятга эга ҳужжат хи-собланади.

Янги қонун 12 та моддадан иборат бўлиб, Жиноят, Жино-ят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексларга ҳамда “**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғриси-да**”ги, “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги, “**Ўз-бекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида**”-ги, “**Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида**”ги, “**Таъ-лим тўғрисида**”ги, “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги қо-нунларнинг қатор моддалари-га тегишли ўзгариш ҳамда қў-шимчалар киритишни назарда тутди.

Янги қонун билан киритила-ётган энг муҳим ўзгаришлардан бири — Жиноят ко-дексининг 73-моддаси, яъни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтига тегишлидир.

Амалдаги тартибга кўра, ижтимоий хавфи катта бўл-маган, унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноят содир этган маҳкумлар қонунда белгилан-ган муайян муддатларни ўтаб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганларида жазодан мудда-тидан илгари шартли равишда

озод этилиши мумкин.

Ушбу янги қонун билан Жи-ноят кодексининг 73-модда-си тўртинчи қисми янги банд билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, коррупциянинг энг хавф-ли ва жамият илдизига болта урувчи жиноятлари, шунинг-дек, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд жуда кўп миқдорда пора олиш, пора бериш, пора олиш-бе-ришда воситачилик қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларга



нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш нормаси татбиқ этил-майди.


Бундай чеклов орқали дав-лат маблағларини, халқ мул-кини ўз манфаатлари йўлида сарфлаган мансабдор шахс ўзига тайинланган жазони тўлиқ ва ҳеч қандай имтиёз-ларсиз ўташи шарт бўлади. Бу норма жамиятда адолат меzonларини тиклаш ва ман-сабдор шахслар ўртасида қонун устуворлиги туйғусини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Қонунчиликка киритилаёт-ган навбатдаги муҳим янгил-иқ ўзлаштириш ёки растрата қи-лиш йўли билан талон-торож қилганлик жинояти бўйича жазони ўташ тизими билан боғлиқ. Қонунда ушбу жино-ий қилмишларнинг квалифи-кация белгилари қайта кўриб чиқилмоқда ва уларнинг тои-фаси оғирроқ жиноятлар си-расига ўтказилмоқда.

Жиноят кодексининг 167 ва 168-моддаларида кўрсатилган жиноятлар мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки хиз-мат мавқеидан фойдаланиб содир этилганлиги ушбу мод-даларнинг оғирроқ қисмига ўтказилиб, мазкур қилмишлар учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назар-да тутилмоқда. Жумладан, Жиноят кодексининг 167-мод-даси иккинчи қисми “г” банди-да назарда тутилган “мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан” содир этилган ўзлаштириш ёки растрата жи-нояти ушбу модданинг учинчи қисми “д” бандига кўчирил-

моқда. Бу чора ушбу қилмиш учун санкцияларнинг сезилар-ли даражада кучайтирилиши-ни, яъни тўғридан-тўғри оғир жиноятлар тоифасига кирити-лишини аниглайди.

Худди шундай ёндашув фирибгарлик жиноятини со-дир этганларга ҳам қўлланил-моқда. Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисмида-ги “хизмат мавқеидан фойда-ланган ҳолда” содир этилган фирибгарлик белгиси тўртин-



чи қисмнинг “г” бандига ўтқа-зилмоқда.

Бу ўринда муҳим ҳуқуқий муаммо ҳам ҳал этилмоқда. Қонуннинг амалдаги тахрири-да фирибгарлик жиноятини хизмат мавқеидан фойдалан-масдан содир этган, ҳеч қаер-да ишламайдиган шахсларга нисбатан ҳам судлар озодлик-дан маҳрум қилиш жазосини тайинлаганда, модда санкция-сида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш мажбурий қўшимча жазо сифатида кўрсатилгани боис, қонун мантқиқига зид ҳо-латлар юзага келаётганди.


Судлар ушбу зиддиятни бартараф этиш учун асослар мавжуд бўлмаса-да, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўл-лашга мажбур бўлаётган эди. Қонунга киритилаётган ўзгари-тириш ушбу тизимли хатолик-ни тугатиб, қонун нормаларини амалиётга мослаштиради.

Шу билан бирга, нодавлат секторда коррупцияга қар-ши курашиш тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Иқ-тисодий ҳамкорлик ва ри-вожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида берилган тавсияларига асосан, Жино-ят кодексининг 192¹⁰-моддаси санкциясига муҳим қўшимча киритилмоқда.

Эндиликда нодавлат ти-жорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизмат-чисини пора эвазига оғдириб олиш қилмиши учун муқобил жазо сифатида бир йилгача озодлиқни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Бу халқаро рейтингларда мам-лакатимиз нуфузини ошириш-га хизмат қилади.

Жиноят кодексининг 192¹¹, 205, 206, 208, 209 ва 301-мод-даларига янги огирлашти-рувчи квалификация белгиси – “ғаразғўйлик ниятларида со-дир этилган бўлса” деган қои-да киритилмоқда. Бу, ўз нав-батида, мансабдор шахснинг шахсий манфаатдорлигини аниқ ҳуқуқий баҳолашга имкон беради.



“Коррупцияга қарши ку-рашиш тўғрисида”ги қонунда “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар”, “корруп-ция билан боғлиқ жиноятлар”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузар-ликлар учун жавобгарлик”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузар-ликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилиш” каби тушунчалар иш-латилган. Бироқ Жиноят ко-дексига “коррупцияга оид жиноятлар”га қайси турдаги жиноятлар кириши назарда тутилмаган.

Шу сабабли Жиноят кодек-сининг саккизинчи бўлими “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атама билан тўлди-рилиб, қайси жиноятлар кор-рупцияга оид жиноятлар деб топилиши белгиланмоқда.

Мазкур янги қонунни ишлаб-чиқишда бир қатор хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва ижобий тажрибаси чуқур таҳлил қилинган.

Жиноят кодексига кирити-лаётган ўзгаришлар орқали айрим коррупциявий жиноят-ларнинг оғирроқ тоифага ўт-казилиши ва янги квалифика-ция белгиларининг қўйилиши муносабати билан ушбу жи-ноятларнинг терговга тегиш-лили масаласи қайта кўриб чиқилган. Жиноят-процессуал кодексининг процессуал нор-малари ҳам моддий қонунчи-ликка мослаштирилган.

“Коррупцияга қарши кура-шиш тўғрисида”ги қонунда:

– давлат хизматчилари фа-олиятида манфаатлар тўқна-шувини бартараф этиш, кор-рупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг олди-

ни олишнинг ҳуқуқий меха-низмлари янада кучайтирил-моқда;

– комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилма-ларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилан-моқда;

– ушбу тузилмаларнинг те-гишли ташкилот объектларига тўсқинликсиз кириш, аниқлан-ган коррупциявий ҳолатлар юзасидан ходимларни лаво-зимдан озод этиш ва лавозимга тайинлаш бўйича тақдимнома киритиш каби ваколатлари на-зарда тутилмоқда;

– Коррупцияга қарши кура-шиш агентлиги зиммасига ҳар бир давлат органи ва ташки-лотлари, ҳудудлар ва соҳа-лар кесимида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш вазифаси юк-латилмоқда;

– Коррупцияга қарши кура-шиш бўйича миллий кенгаш, ҳудудий кенгашларнинг мақо-ми ва вазифалари кўзда ту-тилмоқда, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига янги ва-зифалар юклатилмоқда.

“Давлат харидлари тўғ-рисида”ги қонунга ўзгариш киритиш орқали давлат бу-юртмачисининг нарх тафову-ти чегарасига амал қилишга мажбур эканлиги назарда ту-тилмоқда.

“Ўзбекистон Республика-сининг Ҳисоб палатаси тўғ-рисида”ги қонунга ўзгариш киритилиб, ижро этувчи хоки-мият органлари ва давлат улу-ши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизими жорий қили-ниши устидан назоратни ўр-натиш вазифаси бекор қилин-моқда.

“Таълим тўғрисида”ги ва “Мақтабгача таълим ва тар-бия тўғрисида”ги қонунларга болаларда ҳалоллик туйғуси-ни шакллантиришни, уларни қонунларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашни, корруп-цияга оид жиноятларни содир этган шахслар маърифий фао-лиятни амалга ошириши мум-кин эмаслигини назарда тутув-чи қўшимчалар киритилган.

“Ёшларга оид давлат сиё-сати тўғрисида”ги қонунда ёшлар ўртасида коррупция-га нисбатан мурасасиз му-носабатни шакллантиришга оид нормалар мустаҳкамлан-моқда.

Мухтасар айтганда, уш-бу янги қонун жамиятда кор-рупцияга нисбатан мурасасиз муҳитни янада кучайтириш-га, давлат мулки ва бюджет маблағларининг талон-то-рож қилинишига чек қўйишга, таълим, ёшлар сиёсати ва давлат харидлари тизимида шафдофлиқни таъминлашга ҳамда ҳар қандай коррупция-вий ҳуқуқбузарлик ва жиноят учун жавобгарликнинг муқар-рарлиги принципини амалда таъминлашга хизмат қилади.

■■■■ Муносабат

Суд тизимида комплаенс: одоб-ахлоқ ва ҳалолликнинг ҳуқуқий кафолатлари

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзе-бекистон Президенти томонидан 2026 йил 8 июнда имзоланган “**Судларда комплаенс назо-рат тизими самарадорлиги-ни оширишнинг қўшимча чо-ра-тадбирлари тўғрисида**”ги Фармоннинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ушбу муҳим ҳужжат ай-нан суд тизимида коррупцияга қарши «фавкулдда ҳолат» эълон қилинган масъулиятли бир даврда қабул қилинди.

Судья сифатида қундалик амалиётда шуни кузатаманки, суд тизимига бўлган умумий ишонч кўп жиҳатдан нафақат чиқарилган ҳукм ёки қарор-нинг сифатига, балки суд му-ассасасини бошқарувчи ички маданият ва тизимга ҳам боғлиқ бўлади. Шу маънода, мазкур Фармон аввало ана шу ички тизимни ислоҳ қилишга қаратилгани билан ғоятда аҳа-миятлидир.

Фармонда учта стратегик мақсад белгиланди. Яъни:

биринчи мақсад — суд-ларда коррупциявий хавф-ха-тарларни аниқлаш ва баҳо-лашнинг профессионал тизимини жорий этиш орқали коррупцияни келтириб чиқа-рувчи омилларни барвақт бар-тараф этиш;

иккинчи мақсад — суд ап-парати ишга қабул қилишда шафдоф тартиб-таомилларга асосланган танлов ва мерито-кратия тамойилини жорий этиш; **учинчи мақсад** — суд тизи-мига жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ва суд органла-рини Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар-нинг амалий иштирокчисига айлантиришдан иборат.

Фармонда белгилаб бе-рилган вазифалар тўрт асо-сий йўналишга қаратилган. Бу ўринда суд аппарати ходим-лари ўртасида коррупциянинг олдини олиш; Комплаенс назо-рат хизматини таъсис этиш; су-дьялар корпусида коррупция-га мурасасизлик маданиятини шакллантириш ва Фармон ижросини таъминловчи меха-низмлар ҳақида сўз бормоқда.

Ҳар бир йўналиш учун аниқ муддатлар, масъул идоралар ва «йўл харитаси» белгилан-ган. Бу, ўз навбатида, Фар-моннинг том маънода тизимли асосда ижро этилишини таъ-минлайди.

Фармоннинг энг муҳим таш-килий янгиллиги — Олий суд аппаратида Комплаенс назо-рат хизматини таъсис этиш-дир. Хизмат Олий суд раисига бевосита бўйсунadi ва 3 та штат бирлигидан иборат.

Бундан ташқари Ҳарбий суд, Қорақалпоғистон Респу-бликаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида жами 15 та комплаенс инспек-тори лавозимни жорий этилади.

Комплаенс назорат хизма-тининг вазифалари кенг. Хиз-мат, хусусан, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш; касб этикасига риоя этилишини доимий кузатиш; ишга қабул қилиш жараёнида ошкоралик ва холисликни таъ-минлаш; ходимлар ва улар-нинг оила аъзолари — тур-муш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадла-ри ва мол-мулкни деклараци-я қилиш тизимини юритиш билан шуғулланади.

Айниқса, пора таклиф этиш ҳолатлари ҳақида хо-дим томонидан хабар бериш тизимини ва фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларини жорий этиш талаблари алоҳи-да диққатга сазовор. Бу янги ташаббуслар халқаро компла-енс амалиётининг тамал тоши ҳисобланади.

Фармонда суд аппара-ти бошқаришда тубдан янги HR-меритократик ёндашув кўзда тутилмоқда. Жумладан,

«vacancy.sud.uz» порталини ишлаб чиқиш ва ишга туши-риш назарда тутилган. Мазкур платформа орқали суд аппа-ратидаги барча вакант лаво-зимлар очиқ рақобатли тан-лов асосида эълон қилинади. Номзодлар сунъий интеллект ёрдамида саралаш, тест ва кўникмалар баҳолашидан ўт-казилади.

«SudHR» электрон плат-формаси эса, суд тизимида ходимлар билан ишлашнинг замонавий услубларини жорий этишга қаратилган. Ходимнинг фаолияти мониторинги, касбий ўсиш йўли, малака ошириш ре-жаси ва самарадорлик баҳоси — буларнинг барчаси рақамли, шафдоф ва объектив тарзда амалга оширилади.

Дунё тажрибасига назар ташласак, комплаенс тизими самарадорлигини яққол исбот-лаган давлатлар кўпчилигини кўрамыз.

АҚШда федерал судьялар учун молиявий ошкоралик ва манфаатлар тўқнашуви бўй-ича қатъий талаблар амал қилади. Германия ва Фран-цияда давлат хизматчилари фаолиятида коррупциявий хавфларни баҳолаш ва ички назорат тизимлари кенг йўлга қўйилган.

Сингапур тажрибаси бу борада алоҳида ўрин тута-ди. Бугун Сингапур дунёнинг коррупция даражаси энг паст мамлакатлари қаторида ту-рибди. Аммо бу ҳолат ўз-ўзидан вужудга келмаган. Ўн йиллар давомида давлат бош-қарувида комплаенс ва ички назоратга тизимли ёндашил-ган: жазолашдан кўра жиноят-нинг олдини олиш принципи белгиланган, давлат хизмат-чилари учун юқори ахлоқ-одоб стандартлари жорий этилган, декларация тизими ва меритократия тамойили қатъий таъминланган. Рақамлашти-риш эса, инсон омил-и таъси-рини минималлаштирган.

Жанубий Корея ҳам давлат хизматини рақамлаштириш, ички аудит ва профилактик чоралар орқали бошқарув самарадорлигини сезиларли оширди.

Ўзбекистон Президентининг Фармонида назарда тутилган чора-тадбирлар айнан шу хо-рижий тажрибаларнинг ман-тигига таянади ва уни юртимиз суд тизимига мослаштиради. Шу нуктага назардан, Фармон чуқур ўйланган стратегик қа-дамдир.

Фармон суд тизимида кор-рупцияга қарши курашни янги поғонага кўтаришга қаратил-ган. Энди бу кураш фақат ин-тизомий жазо ва тергов орқали эмас, тизимли профилактика, шафдоф жараёнлар ва мус-тақил ички назорат орқали олиб борилади.

Эътибор беринг: компла-енс хизматини таъсис этиш, vacancy.sud.uz ва SudHR платформалари, декларация тизими, ISO 37001 стандарти — буларнинг барчаси бир-би-рини тўлдирувчи яхлит тизим ҳисобланади.

Фармоннинг энг муҳим жи-ҳати шундаки, у коррупцияни фақат индивидуал иллат си-фатида эмас, балки тизимли муаммо сифатида кўради ва унга қарши курашда тизимли ечимни таклиф қилади.

Хулоса қилиб айтганда, комплаенс суд тизимининг ҳар бир ходими ва судьянинг кундалик ҳатти-ҳаракатла-рида мунтазам акс этадиган қадрият, яъни халқ ишончини қозонишга хизмат қиладиган етук маданиятдир. Прези-дент Фармони ана шу мада-ниятни шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Зиёда ИНОЯТОВА,
Тошкент туманлараро маъмурий суди суъбъяси

хатолик

судда қонуний ечимини топди

Демак, судга тақдим этилган маъ-лумотнома амалда белгилаб қўйил-ган, мамлакатимизда ҳамма бирдек бажариши лозим қоидалар талабла-рига зид равишда, судни чағғитиш ҳамда истеъмолчи Ф.Мамарамовга нисбатан тузилган далолатноманинг қонунийлигига судни ишонтириш мақ-садида тақдим этилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида-ги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодиса-си ёки аломати йўқ бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бош-ланган иш эса, тугатилиши лозим.

Суд қонуннинг адолатли мезон-ларига асосланди ва Ф.Мамараи-мовнинг ҳаракатида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмас, деб ҳисоб-лади. Унга нисбатан юритилган ишни юритишдан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Конституция ва қонунларга асо-сланган, кучли фуқаролик жамияти

барпо этилаётган, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор саналган, шахс қадри сарбаланд тутилаётган диёри-мизда айбсиз одам асоссиз равишда жавобгарликка, хусусан, маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Мамлакатимизда олиб борилаётган халқчил сиёсат, давлатимиз раҳбари-нинг қатъий талаби шундай.

Хулоса қилиб айтганда, шундай саволлар туғилади: айбсиз шахсга нисбатан нега маъмурий ҳуқуқбу-зарлик тўғрисида баённома расмий-лаштирилди? Хатоликнинг туб саба-би нима билан изоҳланади?

Кўриниб турибдики, ҳар икки жа-моада ҳам ходимларга хизмат ва-зифасини тўлақонли бажаришлари юзасидан тушунтириш ишлари етар-ли даражада ташкил этилмаган. Қо-нун ва қонуности ҳужжатларига хо-димларнинг риоя қилишлари қатъий назоратга олинмаган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларини доимий тушун-



тириб бориш ишлари амалга оширил-маган. Оқибатда адолат тамойиллари бузилган.

Бинобарин, суд шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, юқо-ридаги каби хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиш, хо-димларнинг ўз хизмат вазифаларини тўғри бажаришлари устидан етарли даражада назорат қилиш чораларини кўриш, муҳандиз Ш.Холмухаммедов ва профилактика инспектори С.Эга-мовнинг ҳатти-ҳаракатларини ййги-лишда муҳокама қилиш ҳамда тегиш-

ли чора-тадбирлар белгилашлик учун электр таъминоти корхонаси туман бўлими, шу каби туман Ички ишлар бўлими раҳбарлари номига тақдим-номалар киритди.

Зеро, ҳеч кимга адолат тамойил-ларини бузишга, бирон-бир шахсни асоссиз ва ноҳақ маъмурий ҳуқуқбу-зарга чиқаришга изн берилмаган.

Баҳодир АҲМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Қўшрабат тумани суди тергов судъяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч — адолатда” мухбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бувимнинг катта қизлари — Саври холам ҳам ҳудди бувимлардек чиройли, келишган аёл эдилар. Мен у кишининг бирон жойда ишлаганларини билмайман. Лекин ишлари кўп эди. Бувимдан чеварлик, мошиначилик, хуллас, турли тикув хунарлари у кишига ҳам ўтган эди. Хоҳ ўз уйларида бўлсин, хоҳ бизники ёки бувимларникида бўлсин, бирон нарса тикиб, қавиб ўтирардилар. Эски уйимиздаги кўпгина кўрпа, кўрпачаларни холам қавиганлар. Қўли гул аёл, дейишарди у кишини қариндош-уруғлар, таниш-билишлар. Шўх, қувноқ, гапдон бўлишларига қарамай, феъли торроқ эди. Бирдан ўзидан-ўзи хуноб бўлиб кетар, арзимаган нарсадан ўзи сезмаган ҳолда жанжал қиқариб юборар, аммо бир пасда ховуридан тушиб, хафа қилиб қўйган одамидан кечирим сўради.

Холам ҳам бувим сингари бизникига тез-тез келиб турарди. Баъзан тўрт-беш кун қолиб кетарди. Шунда ойим, оламга ҳол киради. Кўп тикув-бичув ишларини холам қилиб кетарди. У кишининг турмуш ўртоқлари — Қори поччам ҳақида сенга гапириб бермасдан ўтолмайман. Лутфулла қори ака ажойиб одам эди. У ҳам ҳудди холамга ўхшаб, бир кун ҳам бирон жойда ишламаган. Назаримда, меҳнат дафтари ҳам бўлмаган. Тирикчиликлари қандай ўтарди, ҳозиргача менинг ақлим етмайди. Уларнинг иккита фарзандлари бор эди. Файзулла ва Фатхулла. Фатхулла акангин биласан. Уйимизга келиб туради. Невараси билан бирга ўқигансан. Файзулла ака раҳматли бўлиб кетди. Жуда чиройли, хечрасидан доим нур ёғилиб турадиган, кўзлари йирик, баланд бўйли одам эди у. Мени яхши кўрарди. Уруш йиллари бизникига тез-тез келиб турганда, уй ишларига ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Лекин гап ҳозир уларнинг далалари — Лутфулла қори ака ҳақи-



Тарих тилсимлари

да. Қори поччам ҳам ҳудди Файзулла акамдек новча, қотмадан келган, чиройли эди. Чўққи қора соқоли, узун, бурама мўйлови ўзига жуда ярашиб турарди. У доим тикка ёқа кўйлак киярди. Ёқаси тўрт-беш тугмали бу чиройли кўйлақларни, албатта, холам тикиб беради. Салқин пайтларда шундай тикка ёқа кўйлак устидан тикка ёқа мовут чакмон, зарурат туғилиб қолса, унинг устидан қора чакмон киярди. Оёқларида доим этик ё махси-ковуш бўларди. Хуллас, мен сенга айтсам, холам ўзи ҳам яхши кийинар, эри — Қори поччамизни ҳам ҳаммининг суқи кирадиган қилиб қийинтириб юрарди.

Қори почча чинакам қори эди. Унинг ёлғиз ўзи Қуръон ўқиб ўтирганини, маъракаларда тиловат қилганини кўп кўрганман. Дадам қазо қилганларида поччам бир йилдан зиёд ҳар пайшанба бизникига келиб, Қуръон ўқиб кетарди. Унинг ширали, одамларни дарҳол ўзига ром қилиб оладиган овози бор эди. Кейин камдан-кам адашарди. Адашиб қолса, баъзи қори-

ларга ўхшаб тутилиб, ўзини йўқотиб қўймасди, одамлар уни диққат билан эшитишларини билиб, яна сураларни қайта бошдан бошларди.

Қори почча узоқ умр кўрдилар. Саксондан ўтиб, жуда енгил қазо қилдилар. Аммо холамининг ўлиmidан кейин узоқ яшамади. Афтидан, ичидилар, ёлғизлик эзди, холамсиэ туришга қийналди.

Уни мен «бизнинг Мюнхазузен» дердим ичимда. Буни одамнинг кулгисини кистатадиган катта бир сабаби бор эди. Бизникига келганларида, агар ётиб қоладиган бўлсалар, кечкурун узоқ давом этадиган шақирлаб қайнаб турган самовар атрофидаги чойхўрлик пайтида у кишининг ўртага ташлайдиган бир орзуси бўларди. Эсимни танибманки, шу орзуни эшитардим.

— Раҳимбек, яна ўша гап-да, — бошлардилар поччам ёстиққа ёнбошла. — Шу, Сибирь томонга бариб-ир икки-уч вагон қовун-тарвуз олиб бориш керак. Тунов куни эшитдим. Тошкентдан ўн баравар қиммат эмиш. Бир боришда беш-ўн йиллик давлатга эга

бўлиб келиш мумкин эди.

Дадам поччамнинг бундай гапларини кўп эшитганларидан кулмасдилар, ҳақлари ҳам чиқмасди, лекин хотир-жамлик билан бу хомхаёллик эканини тушунтиришга ҳаракат қилардилар.

— Олиб борганга яраша ўн беш-йигирма вагон нарса олиб бориш керак. Вагоннинг нархи сиз олиб бормоқчи бўлган тарвуз-қовундан қиммат. Ўн беш-йигирма вагон бўлса, ё яхшиси, бир состав бўлса, унда бошқа гап.

— Шунча вагонни менга ким беради? Икки-уч вагон деярлик, машинист билан гаплашиб, составига ула-тиб олсам, деяпман-да. — Шундай деб, поччам ноёб фикр топган одам-дек, дадамга узоқ тикилиб қолардилар.

— Унда бошқа гап, — ўзларича нималарнидир ўйлаб, рози бўлардилар дадам. — Бу яхши гап. Унда вагонни текинга олмасиз, десак, бўлади. Аммо-лекин...

— Нима? — Сиз гаплашган машинист Сибирга етмасдан кичкина бир қишлоқда икки-уч ҳафта составни ушлаб қолса, унда қовун-тарвуз нима бўлади? Ириб кетади-ку? Кичкина қишлоқда икки вагон қовун-тарвузни сотиб оладиган одам топила-рмиди?!

— Бу гапингиз тўғри. Шунга ўйламапман, — рози бўларди поччам. — Ё Сибирдан берида, ҳеч қаерда тўхтамай-диган машинистни топишим керак, ё узоқ турадиган нарса олиб бориш керак.

— Мана бу гап маъкул, — қўшилардилар дадам. Сезиб турибман, у кишининг ниятлари секин-секин, ҳар доим бўладигандек, божасининг дилини оғритмасдан ниятидан қайтариш.

— Яхшиси узоқ турадиган нарса олиб борган маъкул.

— Масалан, қарам, — дерди поччам ва топдимми, дегандек, ҳаммага бир-бир қараб чиқарди.

(Давоми келгуси сонда)

Баъзан бир қарашда оддий кўринган қилмиш ортида катта ижтимоий ҳаф яширинган бўлади. Айталик, бир нечта балиқ овлаш кимгадир шунчаки майда қондабузарлик бўлиб туюлиши мумкин. Аммо ҳамма бирдек амал қилиши лозим бўлган қонун талабига енгил-елпи қараб бўлмайди. Айниқса, гап табиий суе ҳавзаларида тақиқланган усул — электр токи билан балиқ овлаш ҳақида кетса, бу бутун эко-тизмга етказилган зарар сифатида баҳоланади.

Биз мисол тариқасида келтираётган жиноий ҳодиса ўтган йилнинг 12 сентябрь куни Сирдарё дарёсининг Гулистон тумани «Терактор» маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида содир бўлган. Бобоқул Ширинбоев (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўзининг жиноий шериклари Ихтиёр ва Бахтиёр Даминов билан резина қайик, иккита аккумулятор, электр қармоқ, ёритиш мосламаси ва бошқа воситаларда электр токи ёрдамида ноқонуний балиқ овлаётганда экология соҳаси ходимлари томонидан ушланган.

Ҳолат бўйича беш турда – 16 дона товонбалиқ, 12 дона сазан, 6 дона лаққа, 1 дона мой балиқ ва 1 дона Ўзбекистон Республикаси Қизил китобида қиртилган Тўркистон мўйлабдори, жами 36 дона балиқ ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчилар «**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги қонун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «**Ўзбекистон Республикасининг табиий ҳавзаларида балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**»ги қарори талабларига зид равишда ноқонуний ов қилган. Оқибатда ҳайвонот дунёси объектлари-га 69 миллион 442 минг сўм зарар етказилган.

Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори билан тасдиқланган «**Табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш қоидалари**» талабларидан келиб чиқиб, етказилган зарар қий-

матини ўн бараварга ошириш коэффициенти билан ҳисоблаган. Шунда ҳайвонот дунёсига етказилган зарар 694 миллион 220 минг сўмни ташкил этган. Жиноят ишлари бўйича Гу-



листон тумани суди 2025 йил 17 декабрдаги ҳукм билан Бобоқул Ширинбоев ва Бахтиёр Даминовни Жиноят кодексининг 202-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топган ҳамда уларга 1 йил муддатга барча овчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ҳар бирига 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Судланувчи Ихтиёр Даминов уч йил муддатга озодлиқни чеклаш жазосига ҳукм қилинган.

Ҳар учала судланувчига ҳайвонот дунёсига етказилган 694 миллион 220 минг сўмлик зарарни солидар тартибда тўлаш мажбурияти юклатилган.

Яқинда Б.Ширинбоев ва Б.Даминов ҳамда уларнинг ҳимоячиси вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят билан мурожаат қилиб, биринчи босқич суди айрим ҳолатларни етарлича инобатга олмагани, ху-

сусан, судланувчиларнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, иштирокчилиги даражаси, оилавий аҳволи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қаторида туриши, вояга етмаган фарзандлари борлиги ва зарарнинг бир қисми қопланганини ваз қилиб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Даставвал айтиш ўринлики, судлов ҳайъати апелляция шикояти асосида ишни кўришда ўз ваколатидан келиб чиқиб, фақат ҳукм қону-

ликлар, тухумлар, сув жониворларининг табиий кўпайиш занжирига салбий таъсир этади. Шунинг учун бу усулда балиқ овлаш қатъиян тақиқланган. Яна бир томони бу ерда масала «қанча балиқ овланди» деган савол билан чекланмайди. Аксинча, жамиятимизда табиатдан фойдаланиш маданияти, экологик масъулият ва келажақ авлодлар олдидаги бурчи ва мажбуриятга қай даражада қаралаётгани аҳамиятли. Апелляция судлов ҳайъати миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган қонун мезонларига таянди. Хусусан, Жиноят кодексининг 8-моддасига асосан, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида эса, жазо тайинлашда жиноятнинг ҳусусияти, ижтимоий ҳавфлилик даражаси, қилмиш сабаби, етказилган зарарнинг ҳусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинishi белгиланган.

Бироқ биринчи босқич суди Б.Ширинбоев ва Б.Даминовга нисбатан айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этилган жиноятнинг ҳусусиятини, етказилган зарар миқдорини эътиборга олмасдан бир қадар оғир жазо тайинланган. Биринчи босқич судининг ҳукмидан кейин ҳайвонот дунёсига етказилган зарарнинг 268 миллион 400 минг сўми судланувчиларнинг қариндошлари томонидан қопланган.

Апелляция судлов ҳайъати юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, биринчи босқич суди ҳукмининг Б.Ширинбоев ва Б.Даминовга оид қисмини ўзгартирди. Уларга тайинланган 5 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига 1 йил муддатга барча овчилик ҳуқуқидан маҳрум

қилинган ҳолда 3 йилдан муддатга озодлиқни чеклаш жазоси тайинлади. Шунингдек, уларнинг 2025 йил 17 декабрдан 2026 йил 6 февралга қадар қамоқда сақланган 1 ой 19 куни Жиноят кодексининг 62-моддаси асосида озодлиқни чеклаш жазосидан чегирилди, ўташ учун 2 йил 10 ой 11 кун озодлиқни чеклаш жазоси қолдирилди.

Назаримизда, бу ўзгариш жазони адолатли шаклда қайта белгилаш деб тушунилса, тўғри бўлади. Чунки озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодлиқни чеклаш жазосига алмаштирилса-да, судланувчилар айби деб топилган ҳолат сақланди, овчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳам қолдирилди. Шу каби улар зиммасига қопланмаган 425 миллион 820 минг сўм моддий зарарни бир йил муддатда солидар тартибда тўлиқ қоплаш мажбурияти юклатилди.

Кўриниб турибдики, апелляция суди судланувчилар зиммасидан жавобгарликни соқит қилмаган ҳолда қонунларини мазмунинг инсонпарварлик таъминлари асосланганлигини амалда ифодалади ва жавобгарлиқни реал ҳаёт билан боғлади. Судланувчилар гарданида энди озодликда юриб, чекловлар доирасида яшаш, меҳнат қилиш, зарарни қоплаш ва қонунга итоат қилиш мажбурияти бор.

Мухтасар айтганда, жиноят ишларини апелляция тартибда кўриш биринчи босқич судида йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш, адолат ва инсонпарварлиқни мувозанатлаштиришгагина эмас, қонун устуворлигини таъминлаш, судланган шахс тақдирига таъсир қилувчи жазо масаласини қайта баҳолаш, жаҳрланган тараф манфаатини ҳимоялаш сингари қатор вазифаларни тўлақонли бажармоқда, шу тариха халқимизнинг одил судловга бўлган ишончини оширмоқда.

Жавлон ЖАББОРОВ,
Сирдарё вилояти суди судьяси

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— **Ўзбекистон — маданий меросларга бой мамлакат. Уларни асраш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Лекин бундай объектларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳоллари ҳам учраб туради. Айтинг-чи, амалдаги қонунларда бундай қилмишларга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?**

Ж. ҚУРБОНОВ,
Зангиота тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасига кўра, моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун — фуқароларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса, эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан, давлат муҳофазасига олинган моддий-маданий мерос қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан, ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий-маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмадан куриш ёки бузиш ҳаракатларини содир этганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агарда ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган ҳолларда, ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилади.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасига биноан, моддий-маданий мерос объектларига нисба-

— **Эшитишимча, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланадиган ҳуқуқбузарликлар учун огоҳлантириш жазоси белгиланган экан. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

К. ЖУМАЕВ,
Косон тумани

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳақиқатдан ҳам, жорий йилнинг 4 февралдаги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий огоҳлантириш жазоси қўлланилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

Албатта, қонунчиликдаги ушбу янгилик автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилишига, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек, аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу қонунга мувофиқ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий огоҳлантиришни кўзда тутган янги 24-моддаси киритилди.

Маъмурий огоҳлантириш маъмурий жазо чорасини қўллашга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунга хи-

тан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш, яъни ёзувлар ёзиш, расмлар чи-зиш йўли билан уларни таҳқирлаш ёки уларга шикаст етказиш, моддий-маданий мерос объектларини, шу жумладан, уларнинг тарихий, илмий, бадиий ёхуд ўзгача маданий қимматига доғ туширувчи ёки уларни масхара қилувчи ҳаракатларни содир этиш, ҳудди шунингдек, бундай объектларга нисбатан жамоат тартибини бузувчи ҳаракатларни содир этганлик учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланган.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар оз миқдорда бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агарда ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган ҳолларда, ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу суткагача маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилади.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасига биноан, моддий-маданий мерос объектларига нисба-

лоф хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирган ҳолда унга расмий танбеҳ беришдан иборатдир.

Маъмурий огоҳлантириш ёзма (электрон) равишда қўлланилади.

Маъмурий огоҳлантириш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 128¹, 128², 128³, 135¹-моддаларида ҳамда 138-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлиб, унинг муайян талаблари бор.

Биринчидан, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганда;

иккинчидан, ушбу кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда қўлланилади.

Маъмурий огоҳлантириш жазо чораси айна бир шахсга нисбатан бир йил давомида бир мартадан ортқ қўлланилиши мумкин эмас.

Саволларга Тошкент вилояти суди судьяси
Нодира Зияева жавоб берди.

МУАССИС:

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдухалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй. Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 5594
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20³⁰. Топширилди: 22⁰⁰.